

## NASIRUDDIN TUSI AND HIS PLACE IN THE HISTORY OF EASTERN CIVILIZATION

Norquchkarov Sherhali Shavkatzoda

Samsu Faculty of Philology

Second Stage Master

### ANNOTATION

The article examines the role of Nasiruddin Tusi - "Ustod-ul-bashar" in the science and culture of the peoples of the East in the XIII century, and the content of the works created by the thinker. The weight of the author's scientific works is highlighted in the period in which he lived and worked, and their scientific significance today and the effectiveness of the scientist's work. In addition, some literary, scientific and socio-political issues of the Mongol khanate of the XIII century, related to the life and work of the scientist, are analyzed. The author's research in various fields and their content are illustrated with examples.

**Keywords:** Nasiruddin Tusi-encyclopedic scientist, thinker, Maraga Observatory, 13th century literary environment, Mongol invasion, official and socio-philosophical sciences, relations between Hulokukhan and Nasiruddin, scientific literary environment.

### INTRODUCTION

Насируддин Тўсий Абўъжафар Муҳаммад ибни Ҳасан номи билан машҳурдир. У XIII аср адибларидан ҳисобланиб, 1201 йил Эроннинг Тўс шаҳрида дунёга келган. Насируддин Тўсийни ўрта асрлар Шарқ адабиётшунослигида қомусий (энциклопедист) адиб сифатида тан олиш мақсадга мувофиқдир. У ёшлигидан ўз даврининг расмий ва ривожланган илмларидан баҳраманд бўлиб, бир неча йил давомида мантиқ (логика), фалсафа, сарф, наҳв ва фикҳ илмларини мукаммал даражада ўзлаштиради. Бу шахснинг тўғри ва мукаммал билм олишига отаси ва амакиси яқиндан кўмаклашади. Насируддин 26 – ёшида, яни 1227-йилда Эроннинг Кўхистон деган мавзеига ва кейинчалик Мароғага йўл олади. Адибнинг сафарлари муғул босқинидан сўнг амалга ошганлиги манбаъларда келтирилган. Баъзи манбаъларнинг маълумотига кўра, биров муддат зиндонда ҳам бўлган ва айрим манбаларда кўрсатилишича Насируддин Мароға расадхонасининг етук намояндаларидан бўлган. Бу расадхона ўз даврининг машҳур илм ўчоғларидан бўлганлиги ҳам айтилади. Бу борада В.В.Бартольд шундай дейди: “Мазкур расадхонада катта китобхона ҳам жойлашган бўлиб, бу илм масканида Эрон, Машриқзамин ва Хитой олимлари тадқиқотлар олиб боришган”. Тўсий замондошлари ва унинг издошларнинг маълум қилишларича бу шахснинг илмий-фалсафий асарлари икки юздан ортиқроқ бўлган. Насируддиннинг ахлоқий-фалсафий ва ирфоний-илмий асарлари қуйдагилардан ташкил топган: “Ахлоқи Носирӣ”, “Ахлоқи мўхташам”, “Авсоф-ул-ашроф”, “Насиҳатнома ба Обоқохон”, “Асос-ул-иқтибос”, “Равзат-ут-тасмим”, “Шарҳ-ул-ишорат”, “Қасоид-ул-ақоид”, “Тадрид-ул-ақоид”, “Тадрид-ул-калом”, “Таҳрири уқлидус”, “Усули ҳандаса”, “Шакл-ул-қитъа”, “Зичи Элхонӣ”, “Тазкираи Носирия”, “Бист боб дар бораи устурлоб”, “Зубдат-ул-ҳайъат”, “Сӣ фасл дар тақвим”, “Рисола дар тақвим ва ҳаракати афлок”, “Қавонун-ут-тиб”, “Ҳавоши ба куллиёти “Қонун”-и Бўалий” ва иккита фалсафий-ахлоқий дostonлар: “Татима” ва “Мадхали ҳайъат” номли асарлари бу донишманд номини

ҳалигача жаҳон илму тамаддуни доирасида абадийлаштирмоқда. Бу забардаст олим 1272 йилда Бағдод мавзейида бу ёруғ оламини тарк этган. Баъзи манбаъларда, асосан, адабиётшунос олим Расул Ҳодизоданинг “Адабиёти форсу тоҷик дар асрҳои XII-XIV” номли китобида олимнинг вафоти 1280 йили Бағдод деб қайд қилинган. Ҳодизода бу маълумотни адибнинг замонида таълиф этилган тарихий асар Фазлуллои Рашидиддиннинг “Ҷомеъ-ут-таворих” номли китобига суяниб келтирган. Яна бир адабиётшунос олим Урбатулло Тоиров Насируддиннинг “Меъёр-ул-ашъор” асарининг форсий ёзувдан крилл ёзувига қайтарган ва шу асар дебочасида муаллифнинг ҳаёти ва фаъолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади ҳамда адибнинг ўлимини 1278 йил деб кўрсатиб ўтади. Шу сабабдан, олимнинг вафот санасини 1272-1278-1280 йиллар оралиғида қайд қилиш тўғрироқ бўлади.

Насируддин Тўсий сарфу наҳв ва фикҳ илмларини отасидан ва мантиқ ва фалсафа фанларини амакисидан ўрганади. Юқорида таъкидланганимиздек, Насируддин муғул саркардаси Хулоқухон ҳужумидан сўнг, Кўҳистонни тарк этиб, Озорбойжоннинг Мароға шаҳрига юзланади. Бу ерда расадхона барпо этади. Шу маънода Тўсийни илм-маърифат майдонида олим ва файласуф сифатида тан оладилар. Адиб шахсиятига бундай баҳонинг муносиблиги унинг илмий-ижодий меросидан ҳам анланади. У ўз даврининг барча ривожланган илмларини турли соҳаларида, масалан, ахлоқшунослик, адабиётшунослик, тилшунослик, табиатшунослик, фалсафа, фикҳ, мантиқ ва бошқаларига ёндашиб, юқорида кўрсатган соҳаларнинг барчасига алоҳида асарлар яратган. Унинг фалсафий-ахлоқий фикрлари асосан “Асос-ул-иқтибос”, “Равзат-ул-тасмим”, “Ахлоқӣ Носирӣ”, “Тадрид-ул-ақоид”, “Шарҳ-ул-ишорат”, “Қавоид-ул-ақоид” каби асарларида акс эттирилган. Қомусий олимнинг ҳандаса (геометрия) илмига доир алоҳида рисолаи мавжуд бўлиб, бу рисола “Усули ҳандаса” номи билан машҳурдир. Мазкур асарда геометрия фанининг баъзи масъалалари атрофлича тадқиқ этилган. Насируддин буюк фалакиётчи-ситорашунос (астраном) бўлган, шу сабабдан бу соҳага доир “Зичи Элхоний” номли асар яратган. Шу билан бирга табиатшунослик илмини ҳам моҳирлик билан ўзлаштиради ва бу соҳага доир “Бист боб дар бораи устурлоб”, “Шакл-ул-қитъа” ва “Сй фасл дар тақвим” каби асарлар шулар жумласидандир. Агар бу адибнинг адабий ва илмий меросига жиддийроқ назар соладиган бўлсак, баъзи асарлари на фақат бир алоҳида соҳага, балки турли хил соҳаларни ҳам қамраб олади. Олимнинг “Асос-ул-иқтибос” номли асари шу туркумдаги асарларидан ҳисобланади. “Асос-ул-иқтибос” асарида, мантиқ, фалсафа, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларига бағишланган маълумотлар умумлаштирилган. Юқорида таъкидланганимиздек, Насируддин Тўсий ўз даврининг етук файласуф олими бўлган. Шу сабабдан, “Равзат-ул-тасмим” рисоласида табиат ва худонинг мутаносиблигида қуйдагича фикр баён этган: “Оллоҳи таоло ҳамеша холиқ бувад ва чун холиқ гуфти, махлут ҳам бояд бувад, яъне ин олам ҳам худ лозим бошад. Пас ҳаргиз набувад, ки олам набуд”. (Оллоҳ-таоллоҳ ҳамеша холиқдир ва унинг холиқлиги ҳақида сўз юритдингми, унинг махлутлигини ҳам унутма, яъне шу оламнинг лозимлигини ҳам унутма). (Равзат-ул-тасмим. Бумбай, 1950 йил, 50 бет). Мазкур иқтибосда, борлиқ ҳодисалари масъалалари (Ою кўёш тутилиши, қор, ёмғир, юлдузлар ҳаракати, шамол, дўл, яшин, ер силкиниши, ёруғликни нг кўриниши) материалистик нуқтайи назари жиҳатидан тадқиқ этилган. Аммо Тўсий борлиқ фалсафасини муайян бир мавқеи нуқтайи назаридан

ҳал этишни ўз ишининг асосий мақсади деб билмайди ва бу тарзда ҳал қилмайди. Насируддин Тўсий ўсимлик дунёси ва ҳайвонлар нафсини (руҳияти) инсон жисми билан алоқадор деб ҳисоблайди. Аммо нотиклик нафсини инсон жисмига алоқадор деб билмайди. Чунки бу фикрда бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, ҳар бир шахс хоҳлаган вақтида нотик бўлмайди. Бу касбни эгаллаш учун кўп йиллик тажриба, билим, малака ва меҳнат лозимдир. Бундан ташқари Тўсий “Асос-ул-иқтибос” асарида “билиш” назариясига доир қуйдагича фикр юритган: “билим - муртасам (расмийлик) ва мунтабеъ (нақш олмоқ, акс эттирмоқ) бўлишдир, унинг сурати (тасвирлаш услуби) предметларнинг онг ва тафаккур ҳамда инсон ҳис ва шуурида акс этишидир”. (Асос-ул-иқтибос. Техрон, 1325). Муаллифнинг “билиш” назариясига доир фикри ҳар томонлама тўғридир. Чунки мукамал билимга эга бўлиш учун на фақат ўқиш керак, балки ўқиган манбаъларни онгу тафаккурда рассом каби акс эта олиш, чизишни ва ҳар бир предметни тўғри англаш кераклигини айтиб ўтади. Бундан ташқари олинган билимдан ўзгаларни баҳраманд қилишни донишманд шахс сифатидаги энг муҳим фазилат тариқасида гавдалантиради. Насируддин Тўсий бошқа илмлар қатори мантиқ илмига ҳам яқиндан ёндашади. Бу соҳага доир масъалаларни “Асос-ул-иқтибос” номли рисоласида келтирган. Муаллиф мазкур асарда мантиқ илмининг қисмларини (тил, ҳукм ва исбот) ҳар жиҳатдан таҳлил қилиб, аниқ фикрларни билдирган. Бундан ташқари, адиб жадал масъаласи (мантиқ илмида мунозаранинг усули ва қандайлигини билиш илми) табиат ва мунозара санъатининг бирхиллиги, риториканинг нутқ санъатига ўхшашлиги, софистика хусусиятларин (Суфастойи- Қадимги Юнонда фалсафий жараён бўлиб, олам ва борлиқни хаёлий ва абстракт тушуниш) жуда моҳирлик билан кўрсатиб берган. Бу соҳада муаллифнинг яна бир кўзга кўринадиган ишлари шундан иборатки, Абулбаракоти Бағдодийдан сўнг, мантиқий математикани ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. Насируддини Тўсийнинг ижтимоий ва ахлоқий хусусиятларга бой бўлган қарашлари ва фалсафий-ижтимоий фикрлари “Авсоф-ул-ашроф”, “Ахлоқи мўхташамӣ”, “Ахлоқи Носирӣ” ва “Насихатнома ба Обоқохон” номли асарларига келтиришганлигини айтиб ўтгандик. “Ахлоқи Носирӣ” рисоласида жамъият ҳақида қуйдагича фикр баён этилган: “Мадина (шаҳар, чамъият) иттиҳоди махсуси одамон аст. Шаклҳои асосии иттиҳод оила, маҳалла ва шаҳр мебошад. Маҳз ба туфайли иттиҳод одамон метавонанд, неъматҳои барои рўзгор заруриро истехсол кунанд, бақои худ, насл ва мадинаро (чамъиятро) таъмин намоянд”. (Ахлоқи Носирӣ. Бумбай, 1320 йил, 281 бет). Юқорида адиб жамъиятни одамларнинг иттифоқлиги ва уюшқоқлиги сифатида тасвирлаб, жамъиятнинг асосий шакллари сифатида оила, маҳалла ва шаҳар бирликлари мавжудлиги борасида фикр билдирган. Бундан ташқари, жамъиятда яшовчи инсонлар ўз эҳтиёжлари учун керакли нарсани яратишни асосий вазифа сифатида белгилайди. Яратган кашфиётларин авлоддан- авлодга мерос қилиб ўтказишни муҳим масъала сифатида билади. Бундан ташқари адиб “Ахлоқи Носирӣ” асарида ахлоқнинг бир нечта асосий масъалаларини санаганки, улар қуйдагилардан ташкил топган: “1). Ахлоқ туғма қобилият эмас, балки муҳит ва тарбия таъсирида шаклланади. 2). Ахлоқ ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, уни тарбия давомида ўзгартириш мумкин. 3). Инсон юриш-туришида эркин бўлиб, бу амаллар учун ўзи масъулдир”. (Ахлоқи Носирӣ. Бумбай. 109-115 бетлар).

Юқорида таъкидланганимиздек, Насируддин Тўсий форс-тожик адабиётининг энг гуллаб яшаган даври XIII асрда туғилиб, айна пайта сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан шу таҳликали шу даврда ижод қилган. Форс-тожик адабиётининг бу даври ўзига хос қатор хусусиятлар ҳамда фазилятларга эга. Адабиётимизнинг бу даври жуда таҳликали давралардан ҳисобланиб, бунинг асосий сабаби муғуллар босқинидир. Муғулларнинг шафқатсиз ҳужуми боис бу ерларда (Хуросон ва Мовароуннаҳр) илму ҳунарнинг ривожланиши унчалик ҳам осон бўлмаган. Шу сабабдан, илму адаб ихлосмандлари тинч-осойишта ерлар томон йўл олган. Насируддин Тўсийнинг Мароға шаҳрига йўл олиши шу сабабдандир. Бу даврнинг илму маърифати юксалишида Насируддиннинг ўрни жуда юқори бўлган. Бу борада тожик адабиётшунос олими Расул Ҳодизода қуйдаги фикрларни билдиради: “Фаъолияти олими барҷастаи он замон Насируддини Тўсей гуфтан мумкин аст, чамъбаст ва инъикоси дараҷаи тараққиёти илму фанни он замон буд”. (Адабиёти форсу тоҷик дар асрҳои XII-XIV, Душанбе, “Дониш”, 1976 йил, 267-бет). Дарҳақиқат, бу олимнинг илмий жиҳатдан салоҳияти XIII-асрнинг илму фанида ҳар томонлама юксак бўлган. XIII-асрда форс-тожик илму фан ва маданий соҳалардаги ривожланишининг яна бир сири шундаки, форс-тожик тили илмий адабиётда шўҳрат қозониб, бу билан бирга ўша давр олимлари, асосан, Насируддин Тўсий тожик тилининг илмий терминларини яратиш бобида ва уларни илмий муомалага киритишда ўз ҳиссасини қўшган. X-XI- асрларда Сино ва Беруний “Донишнома” ва “Таҳфим” асарлари билан форс-тожик илмий тилига асос солган бўлса, XIII асрда на фақат бир-иккита илмий асар қобиғида, балки юзлаб асарлар шу тилда яратилди. Бу давр алломалари қаторида бу борада Насируддин Тўсийнинг ўрни алоҳида бўлган. У ўз даврининг илм-маърифатида юксак эътиборга сазовор бўлган ва катта обрў қозонган шахсиятлардан биридир. Шу сабабдан, унга “Устод-ул-башар”, “Муҳаққиқи Тўсий” лақаблари нисбат берилган. Ўрта асрларда мазкур лақаблар катта ҳурматга сазовор бўлган шахсларга берилган ва бунга Насируддин лойиқ деб топилган. Хуллас, адибнинг илмий доврўғи Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг барча шаҳарларига етиб борган. Кўҳистони Эрон олимлари (ўша даврда муғул ҳокимлари ҳукмрон бўлган) ўзларини нуфузли кўрсатиш мақсадида олиму донишмандлар ва мўътабар шахсларни ўз саройига жалб этади. Насируддин Тўсийни ҳам ўз даврининг етук олими ва воизи сифатида Ҳулокухон (Мароға шаҳар ҳокими) ўз саройига даъват этади. Адибнинг ўз давридаги ҳокимлари, шу жумладан, Алоуддин Муҳаммад, Ҳасани Исмоилий ва асосан Мўхташами Кўҳистонийлар жуда ҳурмат қилар эди ва унинг илмий иш қилиши учун қулай шарт-шаройит яратиб берган. Насируддин ўз даврининг буюк кутубхоналари – Аламутдан маънавий сабоқ олади ва билимини Шарқу Ғарб олимлари асарларидан, фалсафа, математика ва табиатшунослик фанларига доир илмий ишлар воситасида юксалтиради. Бу вақтда, олим бир нечта фалсафий рисоаларини араб тилидан форс-тожик тилига таржума қилган эди. Насируддин қанчалик исмоилийлар давлатининг чекка ҳудудларида умргузаронлик қилган бўлса ҳам, унинг илму фандаги ютуқлари ва ақл-фаросати кенг миқёсда тарқалиб кетганди. Бу даврнинг тарихчиси – Фазлулло Рашидиддин ўзининг “Ҷомеъ-ут-таворих” асарида Насируддиннинг илмий мартабаси юксаклигини қуйдагича тасвирлаганки, унинг буюклигини яна бир бор тасдиқлайди. Мангу-қоон Ҳулокухонга шундай топшириғ берадики, агар сен исмоилийлар заминини

босиб олишга муяссар бўлсанг, у замининг буюк олими Насируддинни Муғлистонга жўнат, то ки бу ерда тадқиқотлар олиб борсин ва расадхона барпо этсин.

1256-йил Ҳулоқухон кўшини исмоилийлар заминига кўшин торди. Насируддин ва яна бир неча олимлар ўз ҳокимларига -Хуршоҳга муғулларга қарши чиқишни маслиҳат бермайди. Чунки муғуллар жуда катта кучга эга бўлган. Ортиқча хунрезликлар бўлишини тушунтирган. Афсўслар бўлсинки, муғуллар босиб олган ва бу мудҳиш воқеадан сўнг Насируддин Ҳулоқухон дарборига ўтади. Унинг ихтиёрий ё мажбурий дарбор хизматига ўтганлиги ҳақида биронта манбада аниқ бир маълумот келтирилмаган. У Ҳулоқухон саройида бир неча вақт умргузаронлик қилган. Ўша даврнинг буюк тарихчиси Фазлулло маълумотига кўра, Ҳулоқухон урушлардан олдин олиму фузалолар билан машваратлар қилар экан. Бағдодга ҳужум уюштиришдан олдин, Насируддинни олдига чақириб олади ва маслиҳатлашади. Насируддин дарҳол ҳокимни имтиҳон қилишини пайқайди. У бу ҳужумни тўхтатишнинг иложсизлигини биларди, шу сабабдан Ҳулоқухонга маслиҳат берадики, Бағдодга кўшин тортсин. Муғуллар Бағдодда жуда шафқатсиз урушади, Насируддин Ҳулоқухонни бу хунрезликларини ўз кўзи билан кўради ва ҳаммасини бир-бир қоғозга туширади. Атомалики Жувайнининг “Таърихи Чаҳонкушо” номли асари маълумотига кўра, Тўсийнинг бу амаллари ва қайдлари юқоридаги асарнинг охирига фаслида муаллифнинг номи билан бирга келтирган. Шундай қилиб, Ҳулоқухон Аббосийлар халифатини тўлиқ босиб олади ва Озорбойчоннинг Мароға шаҳрини ўз давлатининг маркази деб эълон қилади. Муғул хонлари фол ва башоратларга жуда ишонар эди, шу сабабдан Ҳулоқухон нужум илмига (астрономия) ён босарди. Насируддинга шу сабабдан расадхона барпо этишга фармон берилган. Бу борада “Чомеъ-ут-таворих”-да шундай дейилган: “Дар таърихи мазкур, яъне 656/1258 фармон шуд, ки то мавлонои азим, Сайид устод-ул-башар, султон-ул-ҳукамо, афзал-ул-мутааххирин Хоҷа Наируддини Тўсей ... дар мавзее, ки маслиҳат донад, чиҳати расади ситорагон иморате созад. Ў дар шаҳри Мароға ихтиёр кард ва расаде олий бунёд ниҳод... Ва баъд аз он ки ҳафт сол ҷулуси Ҳулоқухон бар тахти хонӣ гузашта буд,” (Р. Ҳодизода. Адабиёти форсу тоҷик ар асрҳои XII-XIV. -Душанбе, “Дониш”, 1976 йил, 271 бут). Бундан шуни билиш лозимки, 1258-йил Насируддин Ҳулоқухон фармони билан Мароға шаҳрида расадхона ташкил этилган ва бу вақтда Ҳулоқухонни ҳокимлигига етти йил бўлганлиги мазкур иқтибосда келтирилган.

Фазлуллои Рашидиддиннинг қайдларидан маълум бўладики, Ҳулоқухон Насируддин Тўсийга нисбатан анча эътиборли ва самимий бўлган ва унинг билим савиясини ҳурмат қиларкан. Бундан ташқари адибга устод-ул-башар, султон-ул-ҳукамо, афзал-ул-мутааххирин лақабларини Ҳулоқухон берган. Чунки Фазлуллонинг юқоридаги қайдларида Ҳулоқухоннинг айни гапининг мазмунини қоғозга туширган. Мароға расадхонаси ўз даврида астрономия, математика илмлари ривожини учун салмоғли ҳисса қўшган. Бу расадхонани бош маслиҳатчиси Насируддин этиб таъинланган, расадхонада турли миллатлар олиму уламолари тадқиқотлар учун жамланган ва буюк тадқиқотларни амалга оширган. Насируддин бу даргоҳнинг ривожини учун тинмай тадқиқотларни амалга ошириб, фалсафа, риёзиёт (математика), ҳайъат, астрономия, тарих ва адабиётга доир илмий ишлар қилиб, юқорида кўрсатган соҳаларнинг тараққиётига юксак ҳисса қўшган.

Насируддин Тӯсийнинг Шарқ мамалакатлари XIII аср илм-фан соҳаси ривожланишидаги ўрни алоҳида эътиборга молик масаладир. У X-XII асрдаги Шарқ халқлари ва мутафаккирлари томонидан яратилган илмий-назарий асарларини таҳлил этишда салмоқли ҳисса қўшган ва бу билан бирга дунё илму маданиятида эътироф этишга арзийдиган юксак илмий-тадқиқий ишларни охирига етказган. Олимнинг фаолиятида яна бир муҳим жиҳат шундаки, бу қомусий олим ташаббуси билан VIII-X асрларда араб тилида яратилган Юнон ва Рим донишмандларининг илмий-назарий асарлари араб тилига таржима қилинган. Бу таржумаларда анча камчиликларга йўл қўйилган. Бу асарлар таржимасидаги камчиликлар ва нуқсонлар адибнинг хизматлари орқали, ўзининг тўғри таржимасига эга бўлган.

Тӯсий форс-тожик адабий ва илмий тилининг тараққий этишида ҳам катта ҳисса қўшган. Бизга маълумки, адиб даврида кўплаб олиму уламолар ижодини араб тилида яратган. Насируддин бўлса, асосан, илмий хусусиятга эга аксарият асарларини форс-тожик тилида ижод қилган. Адибнинг биронта замондоши бу борада, яъни асарлар яратиш бобида сон ва миқдор жиҳатдан Насируддинга етишмасди. Бундан келиб чиқадики, у форс-тожик адабий-илмий тилида юзлаб илмий терминлар киритган. Бу ерда муаллифнинг бир нечта илмий асарларини (форс-тожик тилида яратганларини) келтиришни жойиз деб билдик: “Асос-ул-иктибос”, “Рисолаи ҷабру қадар ё зарбу ихтиёр”, “Рисола дар қисмати мавҷудот”(фалсафа ва мантиқ илмларига доир), “Ахлоқи Носирӣ”, “Насиҳатнома”(ахлоқга доир), “Зубдат-ул-ҳайъат”, “Мадҳал фӣ илми нучум”, “Сӣ фасл дар тақвим”, “Зичи элхонӣ” (ҳайъат илмига доир), “Ҷавоҳирнома” (минералогияга доир), “Авсоф -ул-ашроф” (тасаввуфга доир) шулар жумласидандир. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, муаллифнинг айрим рисолалари, асосан, “Зубдат-ул-ҳайъат” ва “Мадҳал фӣ илми нучум” ҳайъат илмига бағишланган бўлиб, назмий шаклда ёзилган. Насируддин форс-тожик тилида ҳам шеърлар ёзган. Аксарият тарихий манбаъларда, шу жумладан, “Ҷомеъ-ут-таворих” -да муаллифнинг бир нечта назмий қитъалари намунаси келтирилган. Эрон адабиётшунос олими Сайид Нафисий сафиналардан (сафина-турли шоирларнинг шеърӣ тўплами) адибнинг рубойлари намунасини жамлаган. Насируддиннинг шоирлик истеъдодини ёритиб бериш мақсадида унинг ижодида марказий ўринларни эгаллаган рубойлар туркумидаги шеърлар намунасини кўздан кечирамиз:

*Савдои туам гарчи ба ғоят бошад.*

*Як зарра вафо аз ту иноят бошад.*

*Гар ҷумла ҷаҳон ба хасмиам бархезанд,*

*Бар ман ба ҷафо, к-аз ту иноят бошад.*

(Расул Ҳодизода. Адабиёти форс-тоҷик дар асрҳои 12-14, -Душанбе, “Дониш” 1976 йил, 272 бет).

Мазкур рубойида ишқ ва муҳаббат масъалалари адибнинг нуқтайи назари асосида бадиий жиҳатдан мукамал тарзда келтирилган. Рубойининг қофияланиши (ааба) шаклида бўлиб, “ғоят”, “кифоят” ва “иноят” сўзлари шеърининг қофияси вазифасида келган. Мазкур рубойида “бошад” сўзи радиф ҳисобланади. Рубойининг мазмуни қуйдагича: “Шоир бу ерда ўз маъшуқасига савдогар- талабгор ҳисобланади. Унинг маъшуқа томонга талпиниши умуман адоғсиз, чек-чегараси йўқ. Шунча ҳаракат эвазига ёридан фақат вафо

излайди. Бу шеърӣй порчада “чумла ҷаҳон ба хасмиам бархезанд”, “ҷафоӣ ту иноят бошад” бирикмалари муболиға санъати вазифасига келган. Адиб рубоӣйларида бадиӣй санъатларнинг ишлатилиши шундай хусусиятга эгаки, шоир ҳаётӣй ҳақиқатларидан узоқлашмаган ҳолда тасвирлайди .

Бошқа намуна,

*З-он қатраи шабнам, ки насими саҳарӣ,*

*Аз абр ҷудо кунад ба сад ҳилагарӣ,*

*Пас бар руҳи гул ҷақонад, эӣ рашки парӣ,*

*Ҳаққо, ки ҳазор бор покизатарӣ.*

Мазкур шеърӣй парчанӣнг биринчи намунадан фарқи шундаки, бунӣнг ҳар тӯртала мисраси қофияланган. Адабиётшуносликда бу шаклдаги рубоӣйлари “рубоӣи тарона”-тарона рубоӣйси дейилади. Бу рубоӣйда “саҳарӣ”, “ҳилагарӣ”, “парӣ” ва “покизатарӣ” сӯзлари қофия вазифасида келган. Мазкур рубоӣйнинг мазмуни жуда содда бўлиб, оддӣй табиат ҳодисаси борасида яратилган.

Бошқа намуна,

*Эӣ баски ба кӯи фақр дартохтаам,*

*В-эӣ баски зи илм сар барафрохтаам,*

*З-ин чумла маро набуд тавқир ҷузъ он-к*

*Бишнохтаам, ки ҳеч нашнохтаам.*

Ҳожа Насируддин Тӯсий мазкур шеърӣй парчада, масалани ёритишда фалсафӣй нуқтаи назардан ёндашган. У хоксор инсонлар тоифасига шундай одамларни киритадики, улар маданият, илму маърифат эгалари бўлганлиги учун ҳам шу йӯлни танлаганлар. Ҳақиқатдан ҳам ким-ки билимли, савияли ва доно бўлса, унда кибру ғурур бўлмайди. Адиб шеърларининг яна бир хусусияти шундаки, сабк ва услуб жиҳатидан улар жуда содда, тили равон тарзда баён этилган. Шоир шеърларидаги бу хусусият унинг хуросонӣй сабкининг тамойилларига мойиллигидан далолат беради. Тӯсий рубоӣйлари таҳлил этиш асносида шунга амин бўлдик ким, бу борада адиб юксак маҳоратга эга.

Муаллифнинг адабиӣй мероси фақатгина форс-тожик халқининг тамаддунига боғлиқ бўлмай, балки жаҳон илм-маърифатининг ривожига улкан ҳисса кӯшганлиги, бу мутафаккир шахсияти Шарқ халқлари тарихида юксак эътибор қозонганлигини ангалаш қийин эмас. Тӯсий ижодиётини Европада буюк Машриқзамин олимлари саналмиш - Ибн Сино, Форобӣй, Берунӣй, Замахшарӣй, ал-Ҳоразмӣй асарлари қаторида ўқиб-ўрганиб, мутафаккир асарларининг бир неча маротиба Европа халқлари тилига таржима қилинганлиги бу олимнинг нечоғлиқ обрӯ-эътибор қозонганлигидан далолатдир. Шунӣ айтиб ўтиш керакки, Тӯсийнинг асарлари ҳалигача Европа университетларида дарслик ва кӯлланмалар сифатида ишлатилади. Бунинг ёрқин мисоли муаллифнинг “Таҳрири усули Уқлидус” асаридир. Мазкур асар 1594 йил Римда араб тилига ва 1657 йили Лондонда лотин тилига таржима ва нашр этилган.

Устод-ул-башар илми калом ва илми бадеъда ҳам юксак билимга эга бўлиб, тилшунослик ва адабиётшуносликка доир кӯплаб тадқиқотларни амалга оширган. Бу шахс биринчилардан бўлиб, сӯзнинг номинатив хусусиятга эгалигини айтиб ўтган. Бундан ташқари сӯзнинг лексик хусусиятларида бирмаънолиги ва кӯпмаънолиги жиҳатини ва бу

ҳодисалар қандай пайдо бўлиши борасида муҳим илмий қарашларини илгари сурган. Олимнинг адабиётга доир алоҳида асари, яъни “Меъёр-ул-ашъор” исоласи алоҳида илмий изланишларни тақозо этади. Мазкур рисола асосан аруз вазни ва араб ва аҷам шеърияти дағи қофияларининг хусусиятларига бағишланган бўлиб, адабиётшунослик илмида жуда муҳим аҳамиятга эга асар ҳисобланади. Бу борадаги илмий изланишларимизни кейинги тадқиқотларда давом эттирамыз.

### АДАБИЁТ

1. Адабиёти форсу тоҷик дар асрҳои XII-XIV, Душанбе, “Дониш”, 1976 йил, 267-бет.
2. Назарияи адабиёт. Ҷумъа Ҳамроев, Сирочиддини Эмомалӣ. -Душанбе, “Донишгоҳи миллии Тоҷикистон”, соли 2020, 33-бет.
3. Холиқ Мирзозода. Таърихи адабиёти тоҷик. Қисми 2. -Душанбе, “Маориф”, соли 1977, 27-бет.
4. Насируддин Тӯсий. Ахлоқи Носирӣ. Бумбай. 109-115 бетлар.
5. Насируддин Тӯсий. Равзат-ут-тасмим. Бумбай, 1950 йил, 50 бет.
6. Назарияи адабиёт. Раҳим Мусулмрнийён. -Душанбе, “Маориф”, 1990-йил, 20 бет.
7. Таърихи адабиёти тоҷик. Худой Шарифзода, Мисҳобиддин Нарзиқул. -Душанбе, “ТоРус”, 2017 йил, 386 бет.
8. Таърихи танқиди адабӣ. Ҷумъақул Ҳамроев. – Душанбе, “Ирфон”, соли 2006, 187 бет.
9. Муаллиф: Норқўҷқоров Шерали Шавкатзода